



**Илмий – амалий конференция
материаллари**

**ИЛМ - ФАН
ВА
ИННОВАЦИЯ**

Қ а р ш и

Қонунга итоаткор ҳар бир фуқаро қонунларнинг талаблари жамиятнинг юксак манфаатларини ифода этиши ни, қонунларга риоя қилиш фақат халқ манфаатларига эмас, балки унинг ўз манфаатларига ҳам хизмат қилишини яхши тушунади. Қонун одамларни бирлаштиради, қонунбузарлик ларни, қонунни менсимаганларни эса, қонун доирасидан ташқарига чиқариб қўяди. Қонунга итоаткорлик, ақл идрок, виждон, ички эътиқод маъсули бўлиб, инсонда олижаноб фазилатларни тарбиялайди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шахс ҳуқуқий онги, маданияти ижтимоий – ҳуқуқий фаоллик даражасини белгилайди.

Куришиб турибдики, ҳозирги даврга келиб фуқаролик жамияти куриш билан боғлиқ туб ислоҳотлар шариотида ёшларни шу жараёнда фаол иштирок этишлари ва ўз дунё-қарашлари, билими ҳамда куч-ғайратларини фуқаролик жамияти куришга сафарбар этишлари лозим, чунки фақат шу жамиятда ҳуқуқий муносабатлар ҳақиқий хусусият касб этади. Бизнинг олий мақсадимиз, озод, обод ва эркин фуқаро-лик жамиятини куришдан иборатдир.

“ДЕВОНИ МИРЗО” АСАРИНИНГ ФОНЕТИКАСИ ХУСУСИДА

Ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги

магистри: Жумаева К.

Илмий раҳбар: ф.ф.д. Шодмонов Н.

Туркий тиллар тарихида фонетика энг чигал ва мураккаб соҳадир. Бунинг ҳақиқий (объектив) сабаблари ҳам, ижтимоий сабаблари ҳам мавжуд. Тарихий фонетикани ўрганишдаги қийинчилик шундан иборатки, фонетика талаффуз билан боғлиқ, талаффуз эса XX асрнинг ўрталаригача ҳеч қаерда аниқ қайд этилмаганларини ўз ичига қамраб олади. Бу масалаларни ечимини топишда унинг учун товушни, талаффузни аниқ ёзиб алиш ускуналари яратилгунга қадар бўлган даврдаги барча фонетик ҳукм ва хулосалар тахминийдир. Буни тил тарихи назариётчиларидан Герман Пауль ҳам, Бодуэн де Куртенэлар ҳам таъкидлаб ўтган эдилар. Ёзув ҳеч қачон талаффузни тўлиқ ва

аниқ акс эттирмайди. Хусусан, туркий халқлар IX асрдан бошлаб фойдаланиб келган араб ёзуви ҳам том маънода Н.М. Дмитриев ва Н.П. Мелиоранскийлар таъкидлаб ўтганидек, туркий тиллар тарихий фонетикасининг гўркови бўлди. Чунки араб алифбоси атиги 3 унли фонемали (а, у, и) сом тилларнинг фонетик хусусиятларига мослаштирилган ва 11-12 унли туркий тиллар фонетик тизимига умуман мос келмайди. Шунинг учун «Девони Мирзо» асарининг фонетик хусусиятлари ҳақида фикр юритиш жуда қийин. Ўзбек тили тарихида тарихий фонетика муаммолари кам ўрганилганлигига асосий сабаб ҳам шундадир. Чунки араб ёзувидаги туркий тилли ёдгорликларнинг фонетик хусусиятлари ҳақидага тадқиқотчи бевосита кузатишда берилган моддий, ашёвий далиллар асосида эмас, балки ёзувнинг у ёки бу хусусияти гувоҳлик берадиган имкониятларгагина таянгандир. Туркий тиллар тарихий фонетикасининг барча тадқиқотчилари (А.М. Шчербак, Ф. Абдуллаев, Х. Дониёров, Ҳ. Неъматов, А. Рустамов, Б. Тўйчибоев, Э. Умаров) ўз тақиқотларида шу усулдан фойдаланади.

Туркий сўзларнинг ёзилишидаги, имлосидаги хусусиятлар, асосан, харфларни алмаштириб қўллаш ёдгорликлар яратилган давр талаффуз хусусиятларини акс эттириш мумкин.

а- э масаласи. Бу масала туркий тиллар фонетикасида энг мунозарали муаммоларидандир. Маълумки, арабий ва форсий сўзлар бошида ¹ (маддали алиф) билан, сўз ўртаси ва охирида ¹ (алиф) билан ёзиладиган чўзиқ а товуши ҳозирги ўзбек тилига мунтазам равишда ¹ билан берилади. Қисқа а эса сўз бошида ¹ (алифи мафтуха), сўз ўртасида ¹ (фатҳа), сўз охирида ^o (ҳойи ҳавваз) билан берилади. Туркий сўзларда а ва э товушларни сўзнинг бошида ¹ (алифи мамдуда) ва ¹ (алифи мафтуха), сўз ўртасида (алиф) ёки ¹ (фатҳа), сўз охирида ¹ (алиф) ёки ^o (ҳойи ҳавваз) билан берилишида ҳеч қандай қатъийлик йўқ. Айни бир сўз ҳар уч кўринишда ёзилиши мумкин.

а- э вазн талабига кўра бемалол ўрин алмашилиши ҳақида дастлаб Алишер Навоий маълумот бериб ўтган эди [4]. Биз ўрганаётган манба ҳам ўзбек тилининг бошқа манбаларидан бу жиҳатдан фарқ қилмайди, унда ¹ (алифи мамдуда) ҳамда

ʼ (алифи мафтуҳа)нинг ишлатилишида эркинлик билан фойдаланилган. Масалан:

1) сўз бошида: انچه (11:39,7) - анча – 2) сўз ўртасида: بالغوز (1:42,7) – йолғуз – يلغوز (1:36,3) – йалғуз; 3) сўз охирида: فرصته (1:4,1) – фурсатта – فرصته (1:5,5) – фурсатда;

Манбамизнинг бу маълумотлари ёдгорлик яратилган давр а-э товушларининг ишлатилишида катъийлик йўқлигидан, бу товушлар тилда маъно фарқловчи алоҳида мустақил фонемала бўлмай, бир фонеманинг икки кўриниши сифатида яшаганлигидан далолат беради. Умуман олганда, ёдгорликларда а фонемали сўзларни ʼ (фатҳа) ва ʰ (хойи хавваз) билан бериш ʼ (алиф) билан ифода этишдан кўра камроқ тарқалган. Бу ҳодиса насрий асарда содир бўлганлиги сабабли вазн ва қофия билан алоқадор эмас. сўз бошида: э лашиш масаласи. фақат биринчи бўғинда қўлланадиган бу товуш мунтазам равишда сўз бошида ʼ (алиф) ва ى (ёй) билан, сўз ўртасида ى (ёй) билан берилди. Мисоллар: ايردى (11:4,1) - эрди; ايشيكيكا (41:20,4); (1:15,3) - этибдурлар; 2) сўз ўртасида: بيش (1,26,1) – бэш, ديب (1,25,19) – дэб, كيلدى (1,29,4) - кзлди.

э - э алмашинуви фақат I ва II шахс бирлик сондаги олмошлардагина учрайди, холос. مين (1,42,18) - мэн - من (1,42,3) – ман; سين (11,22,15) - сэн - سن (1,42Д7) – сан.

Бу олмошларда э – э алмашинуви ҳозирга ўзбек шева-ларида ҳам, ҳатто адабий талаффузимизда ҳам учраб турадиган хусусият бўлганлига сабабли бу асар тили ҳақида алоҳида бир маълумот бермайди. Шунинг учун «Девони Мирзо»да эски ўзбек тилининг илк тараққий босқичда шаклланган э лашиш ҳодисаси изчиллик билан давом эттирилган деб хулоса қилиш мумкин. Асар тилида Хоразм гуруҳи шевалари учун хос бўлган ўрта кенг э нинг кенг, юмшоқ э га ўтиш ҳолати ўз таъсирини кўрсатмаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984. – 184 б.
2. Нейматов Ҳ. Ўзбек тилининг тарихий фонетikasi. -Т., 1992.- 96 б.
3. Умаров Э. О гласных староузбекского языка XV века // Советская тюркология. – М., 1984. № 5. – С. 84–88.

МУНДАРИЖА

№	Муаллифлар Ф.И.Ш.	Мақола мавзуси	Бет
1.	<i>Баҳромов А.А. Хайриддинов Б.Э.</i>	Қуёш – геотермал сув билан иситиладиган теплицада микроклимини бошқаришни автоматлаштириш	3
2.	<i>Эгамбердиева О.Ш. Ташиатов А.К.</i>	Pd-Wa бирикмаси юза эмиссион ҳолати билан юза элементлар миқдори орасидаги боғланиш	7
3.	<i>Бозоров Д.Б. Ташиатов А.К.</i>	Кремний асосида гетеротизимларни ион имплантация усулида олиш ва хусусиятларини ўрганиш	11
4.	<i>Raximov A. Dilmurodov N.</i>	Chiziqli ayirmali o'zgarmas koeffitsiyentli tenglamalar sistemasi va dinamik sistemalar	13
5.	<i>Хуррамов О.Ш. Шаронова Г.Ш. Мейлиев Х.Ж.</i>	Квадратичный стохастической операторы определённых на малых размерных симплексе.	16
6.	<i>Nodirov Sh.D., Raximova H.O.</i>	Keli daraxtida aniqlangan model uchun translatsion gibbs o'lchovlari haqida	19
7.	<i>Vozorov M.S. Hamrayev A.Yu.</i>	Kvazi novolterra kubik operatori-ning qo'zg'almas nuqtalari haqida	22
8.	<i>Қурбонова Н. И Довранов Қ.Т. Саломов У. Э. Қуёлиев Б.Т.</i>	Исследование формы полос изотропного комбинационного рассеяния метана	26
9.	<i>Бобомуродова Г.М., Бахрамова А.А., Чориев У.Б. Хайриддинов Б.Э., Холмирзаев Н.С.</i>	Тупроқ ости иссиқлик аккумуляторли қуёш теплицаси тупроқ қатлами иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини аниқлаш	31
10.	<i>Бобожонов Ю.Т., Бобожонова И.Ю., Каримов Б.С.</i>	Влияние жидкой пленки на потери давления газа в трубопроводах	36
11.	<i>Бобожонов Ю.Т. Бобожонова И.Ю.</i>	Определение жидких загрязнений в газопроводах	41

54.	<i>Мирзаев О. Н.</i>	Ўзбекистонда тасвирий санъат соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик	168
55.	<i>Rajabova L.</i>	О'quvchilarni kasbga yo'llash va mehnatsevarlik ruhida tarbiyalashning pedagogik - psixologik xususiyatlari.	172
56.	<i>Хо'jayarova N.</i>	О'quv vaziyatlarining turlari, ularning didaktik tavsifi	174
57.	<i>Дамшиова М.</i>	Ўзбек оилаларида низолар шаклланишининг психологик хусусиятлари	177
58.	<i>Амонова С Жабборов А.</i>	Самарали ўзлаштиришнинг муҳим омиллари	181
59.	<i>Жабборов И.А.</i>	Оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришга оид ижтимоий омиллар	185
60.	<i>Абдукаҳхарова Г. А.</i>	Направления современной социально - психологической службы и их значение в прогрессе общества	187
61.	<i>Жўраев Б.</i>	Ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг психологик омиллари	190
62.	<i>Жумаева К. Шодмонов Н.</i>	"Девони Мирзо" асарининг фонетикаси хусусида	192
63.	<i>Шодиева С. Шодмонов Н.</i>	"Гул ва булбул" достонининг вазн ва қофияси	195
64.	<i>Ортиқова Э., Жабборов Э.</i>	"Ойчинор" достонида қўлланган топонимик бирликлар	197
65.	<i>Rajarova Z. Tojiyeva G.</i>	Til madaniyati-sotsiolingvistik hodisa sifatida	199
66.	<i>Султонова Н.</i>	Амир Худойберди шеъриятида лафзий санъатлар	202
67.	<i>Elmurodova S.S., Elmurodov N.S.</i>	Hozirgi zamon ingliz tilida fizikaga oid terminlarning o'zbek tilidagi muqobillari	205